




Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 8 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва бюджет тушумларини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди

«Пандемиядан қучли бўлиб чиқишнинг бирдан бир йўли – кичик бизнес ва тадбиркорликка қўлай муҳит яратиш», – деди Президент.

Карантин талабларининг юмшатилиши натижасида корхоналар фаолияти тикланди. Бироқ 69 мингта тадбиркорнинг фаолиятини жонлантириш кераклиги таъкидланди.

Жойлардаги раҳбарлар 9 ой якуни бўйича уларнинг камида 70 фоизини, йил якунига қадар тўлиқ қувват билан ишлашига масъул ва жавобгарлиги белгиланди.

Президент бир-бирига зид бўлган карантин талабларини танқид қилди. Тадбиркорлар карантин қоидаларига амал қилишда санитария ва ёнғин хавфсизлиги идоралари томонидан тушунарсиз ва бир-бирига зид талабларга дуч келмоқда.

Шу боис, тадбиркорларнинг муносабатлари ва таклифлари асосида жорий тартибларни қайта кўриб чиқиб, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тушунарли шаклда аҳолига етказиш топшириғи берилди.

Ўтган йилда рўйхатдан ўтган тадбиркорларнинг, яъни, янги бизнес субъектларининг 23 мингтаси ёки 24 фоизи бугунги кунда фаолият кўрсатмаяпти. Масъул раҳбарлар улар билан мулоқот қилиши, тез ғўратларда уларни ишга тушириш чоралари кўрилиши белгиланди.

Фаолият бошлаётган кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мутлақо янги тизimini ишлаб чиқади. Бунда тадбиркорни махсус курсларда ўқитиш, субъектнинг рўйхатдан ўтказиш, асбоб-ускуна сотиб олиш харажатларининг бир қисмига грант ажратиш назарда тутилди.

Ушбу тизимнинг вертикал ижросини таъминлаш учун ҳозирда фақат республика даражасида фаолият юритаётган Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ишини тумангача тушириш лозимлиги қайд этилди.

Хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун энг қўлай, қўп ва юқори даромадли иш жойлари ташкил этиш мумкин бўлган 31 та ўрта шаҳарларни хизмат кўрсатиш марказларига айлантириш топшириғи берилди.

Кейинги йилларда солиқ тизimini ислох қилиш бўйича аниқ чоралар кўрилиши натижасида бизнес ихтиёрида 2019 йилда 12 триллион сўм қолди, 2020 йилда яна 11 триллион сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

Энди янги вазифа, яъни, «Солиқ идораси – тадбиркорга қўмакчи» тизimini йўлга қўйиш топшириғи берилди.

1 июлдан бошлаб илк маротаба тадбиркорларга қўшилган қиймат солиғининг бир қисmini қайтариш механизми амалга киритилди. Ушбу янгилик орқали жорий йилнинг биргина учинчи чорагида тадбиркорларга 700 миллиард сўмин айлانма маблағ сифатида ўзидан қолдириш имконияти яратилмоқда.



Президент жойларда ҳалигача тадбиркорларга ер ва бино-иншоотлар ажратишда қўллаб-қувватлаш мажбуриятини кўрсатиб ўтди. Буларни очик савдога, электрон аукционга чиқариш жараёнларини жонлантириш вазифаси қўйилди.

«Соҳадаги ўзгаришларни одамлар сезиши керак, телевидение ва ижтимоий тармоқларда бунинг кенг ёритилиши зарур», – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент камида 257 минг нафар муҳтож оилалар вакилларини ишга жойлаштириш, 37 мингта хонадонга оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар ажратиш зарурлигини қайд этди.

Эҳтиёжманд аҳолини ишга жойлаштириш кўрсаткичи энг паст секторларнинг 6 нафар раҳбарлари эгаллаб турган лавозимларидан озод этилди. Булар – Фарғона тумани ҳокими Носиров, Янқабот тумани прокурори Мустафоев, Ғузор ва Чортоқ туманлари ички ишлар бошқармалари бошлиқлари Раҳмонов ва Абдурайимов, Муборак тумани ва Ўқот шаҳар солиқ инспекциялари бошлиқлари Теймуров ва Турдиқулов.

7 нафар раҳбарга нисбатан охириги оғохлантириш сифатида «ҳайфсан» эълон қилинди. Булар – Шўрчи тумани ҳокими Худайбергенов, Каттақўрғон, Қосон ва Пайдарий туманлари ички ишлар бошқармалари бошлиқлари Отанмуродов, Отакулов ва Шермухамедов, Нарпай, Ғаллаорол туманлари ва Гулистон шаҳар солиқ инспекциялари бошлиқлари Деҳқонов, Мамаев ва Раджабов.

Республика махсус комиссияси ахбороти

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида коронавирус билан касалланганлар сонининг кескин ошиб кетиши сабабли ва унинг янада авж олишини жилавлалаш мақсадида

2020 йил 10 июлдан
2020 йил 1 августга

қадар республика миқёсида турли карантин чекловларини жорий этиш билан биргаликда сановат ва йирик қурилиш объектлари фаолиятини давом эттиришига қўйидаги шартлар асосида рухсат берилмоқда:

- тегишли объектлар ҳудуди тўлиқ карантинга олинадиган;
- объектлар ҳудудида санитария ва гигиена қоидаларига тўлиқ риоя этилиши таъминланадиган;
- санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари билан биргаликда тегишли объектларда санитария-гигиена тадбирлари амалга ошириб бориладиган;
- объектларга кириш-чиқиш жойларини пирометрлар ва антисептик воситалар, дезинфекцион «тўшак»лар билан жиҳозлаш;
- ҳодимлар томонидан ижтимоий масофа (2 метр)ни сақлаган ҳолда фаолият юритилишини таъминлаш.

Қабулда қандай янгиликлар бор?

Фарғона шаҳрида Ўзбекистон – Корея халқаро университети ташкил этилганига бир йил тўлди. Жанубий Корея ва Ўзбекистон таълим тизимининг ўзаро уйғунлиги асосида фаолият бошлаган олийгоҳда 720 нафар талаба дастлабки ўқув йилини муваффақиятли тамомлади.



Ҳозирда университетда янги ўқув йили учун абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш давом этмоқда.

– Ўтган йили олийгоҳимизда ижтимоий-гуманитар ва техник фанлар йўналиши бўйича 7 та факультетга қабул амалга оширилган, – дейди университетнинг ташқи алоқалар бўли-

ми бошлиғи, қабул комиссияси масъул котиби Дилфуза Умрзоқова. – Бу йил яна 4 та янги факультет очилиб, уларга жами 1040 нафар талаба қабул қилиниши режалаштирилган. Ҳужжатлар олийгоҳнинг расмий веб сайти – kiuф.uz ҳамда admissionkiuf.uz орқали онлайн тарзда қабул қилинмоқда. Шунингдек, университет

биносидан ҳам абитуриентларнинг ҳужжатлари рўйхатга олинмоқда.

Имтиҳонлар ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида инглиз тили, она тили ва адабиёти, техник фанлар йўналишида эса математика, она тили ва адабиёти фанлари бўйича Давлат тест маркази томонидан ўтказилади. IELTS, TOPIС сертификатларини қўлга киритган, фан олимпиадалари ғолиби бўлган абитуриентлар ўз ютуқларини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилиб, қўшимча баллни қўлга киритадилар. Талабалikka тавсия этилган абитуриентлар ўқишни рад этган ҳолларда кутувчилар рўйхатидаги номзодлар имтиҳонда тўплаган бали асосида белгиланган квота бажарилгунча қабул қилинади.

Университетда вилоят ҳокимлиги тавсияси асосида қабул қилинган ёшлардан ташқари барча талабалар тўлов-шартнома асосида тахсил олади. Давлат имтиҳонида энг юқори балл тўплаган, Ёшлар иттифоқи тавсияномасини олган иқтидорли талабалар, шунингдек, имконияти чекланганлар ва кўп болали оила фарзандлари махсус стипендия билан таъминланади.

Айни кунгача мазкур халқаро олийгоҳда ўқиш истагини билдирган 1300 нафардан зиёд абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул қилинди. Жараён қизғин давом этмоқда.

Суратда: Фарғона шаҳридаги Ўзбекистон – Корея халқаро университети.

Муқимжон ҚОДИРОВ
(ЎЗА) олган сурат.

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб йўл инфратузилмасини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар асосида автомобиль йўлларининг сифати замон талабларига мос ҳолатга келтирилмоқда.

Йўл тўлиқ таъмирланади



Жумладан, Самарқанд вилояти ҳудудидаги М-37А (4Р-45) «Самарқанд айланма йўли» ҳам мамлакатимиз ҳудудидаги алоҳида аҳамиятга эга йўллардан бири ҳисобланади. Узок йиллар давомида эътиборсизлик сабаб таъмирталаб ҳолатга келиб қолган автойўлда 2013 йилдан қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланган эди. Умумий узунлиги 46 км бўлган йўлда бунёдкорлик ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Самарқанд вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, ҳозирги кунда М-37А «Самарқанд айланма йўли»нинг 20-33 километрида реконструкция ишлари «Умумий-фойдаланув автомобиль йўлларини реконструкция қилиш дирекцияси» унитар корхонаси буюртмасига асосан пудратчи «NEW TECH Samarqand» МЧЖ йўлсозлари томонидан амалга оширилмоқда. Жорий йилда йўлнинг жами 13 км қисmini рекон-

струкция қилиш ҳамда йўл таркибида жойлашган 7 та кўприк ва йўл ўтказгичларини таъмирлаш кўзда тутилган эди.

Айни пайтгача йўлнинг 20 километрдан – 33 километргача ер, асос ишлари, бетонли асос 100 фоизга бажарилиб, катта заррали асфальтобетон ётқизилган. Бугунги кунда йўл тўсиқлари (БДО 5) ўрнатиш ишлари якунланиб, юқори қатлам майда заррали асфальтобетон ётқизиш ишларини амалга оширишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Шунингдек, ҳудуддаги мавжуд 7 та кўприк ва йўл ўтказгичлардан 2 тасининг таъмирлаш ишлари якунланган. Жорий йил якунига қадар кўприк ва йўл ўтказгичлар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, М-37А (4Р-45) «Самарқанд айланма йўли» тўлиқ ишга тушади.

Суратда: таъмирлаш ишларидан лавҳа.

Алишер ИСРОИЛОВ
(ЎЗА) олган сурат.

Ёшлар бандлигига қўмаклашувчи «Call markazi» ишга тушди

Бухоро Ёшлар марказида ёшлар бандлигига қўмаклашувчи «Call markazi» ишга тушди.

Марказ вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари, вилоят бандлик бошқармаси, халқ қабулхонаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, олий таълим муассасалари, халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Марказ ёшларни касб-хунарга йўналтириш, ишсиз ёшларни мавсумий ёки доимий ишларга, шунингдек, касб-хунарга йўналтириш

орқали бандлигини таъминлашга қўмаклашади. Иш ўрни яратган тадбиркорлик субъектлари билан музокаралар ўтказиб, мавжуд бўш иш ўринлари юзасидан маълумотларни аҳолига, айниқса, ёшларга етказиб боради. Шунингдек, ўтган йиллар давомида республика бўйича касб-хунар таълими ҳамда олий таълим муассасаларини тамомлаган, бироқ бандлиги таъминланма-

ган воҳа ёшлари базасини шакллантириб боради.

Марказда қисқа рақамли 1093 «Ишонч телефони» ташкил этилган. Алоқа операторлари томонидан келиб тушган муносабатлар тегишли тартибда ишчи органга тақдим этиб борилади.

Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА мухбири.

Коронавирус: дунёнинг эртаси қандай бўлади?


Коронавирус пандемиясининг нечанчи тўлқин бўлишидан қатъи назар, қайта бош кўтараётгани барчани ташвишга солди. Одамларда хотиржамлик йўқолди. Айрим жойларда бефойда, мамлакатга салбий таъсир кўрсатадиган ғалаёнларни келтириб чиқарди. Хўш, энди дунё қай йўсинда ривожланади? Ер юзида ҳаёт қандай бўлади? Инсониятни нима кутмоқда?

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш коронавирус пандемиясидан сўнг дунёни кутаётган икки эҳтимол ҳақида фикрларини билдирди. У Швециянинг Aftonbladet нашрига берган интервьюсида шу ҳақда гапирди. «Биринчи, яъни яхши ҳолатда, — дейди Бош котиб, — мамлакатлар ҳозирги вазиятдан чиқиб кетади. Ривожланган давлатлар муваффақиятли тикланиш режасини тузади, ривожланган давлатлар ёрдам олади».

Гутерриш бунда коронавирუსга қарши вакцина 9 ойда топилиши ва барчага баробар бўлинишига умид билдирди. Агар воқеалар ривож шундай бўлса, қилинган тадқиқотлар натижалари ҳақида унинг айтиши учун рақобат кескин кучайиши ва кўпроқ бой мамлакатларгина харид қила олиши мумкин. «Агар шундай бўлса, биз сегрегация (иқрий камситиш намунаси), популизм (сафсатабозлик) ва ксенофобияга гувоҳ бўламиз», — деди Антониу Гутерриш.

Бундан ташқари, иккинчи ҳолат рўй бергудек бўлса, ҳар бир давлат ўз ҳолича яшаб, жаҳон ҳамжамияти умумий муаммоларни ҳал қилиш учун ягона бошқарувга бирлаша олмайд. Оқибатда, глобал турғунлик содир бўлади ва камида 5-7 йил давом этади. Сийёсатчи ҳозир дунё қайси йўлда ҳаракатланаётганини айтиш қийин деган фикрни билдирди, имкон борича барчасини бажаришга ҳамда ёмон вазиятга тайёргарлик кўришга ҳақирди. Пандемия ҳулқ-атворини ўзгартириши керак, аммо тарқоқлик барча учун хавфли.

Шу боис БМТ Бош котиби дунё етакчиларини умумий муаммоларни ҳал этиш ва халқаро ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга ҳақирди. Бу беҳиз эмас.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) раҳбари Тедрос Гебрейесус таъкидлаганидек, дунёда коронавирүс тарқалиш суръати тезлашди. Буни ҳар биримиз кунлик маълумотлар орқали билиб турибмиз. Пандемия ҳали чўққисига етиб келмагани аниқ. Бунинг исботи сифатида, ўтган дам олиш кунлари дунёда «COVID-19»ни юқтириш бўйича 400 мингдан ортиқ ҳолат қайд этилганини келтириш мумкин. Вирүснинг

келиб чиқишини ўрганиш учун ЖССТ Хитойга ўз миссиясини жўнатаётгани олимлар пандемияни тезроқ бартараф этишга уринаётганидан далолат беради. Миссиянинг вазифаси коронавирүснинг келиб чиқиши манбаини аниқлашдир. Қолаверса, вирүснинг ҳайвондан келиб чиқишини тушуниш борасида олға силжиш ва у ҳайвондан инсонга қандай ўтганини аниқлашдан иборат бўлади.

ЖССТнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги фавкулда вазиятлар дастури директори Майкл Райаннинг айтишича, вирүснинг келиб чиқишини аниқлаш детективга ўхшайди.

Хабарингиз бор, АҚШ Президенти Дональд Трамп конгрессга мамлакатнинг ЖССТдан чиқиши тўғрисида расмий хабарнома жўнатган эди. Трамп аввалроқ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини Хитойга етарлича чора кўрмаганлиқда айблаб чиққан эди. Сўнгра ЖССТга бундан буён ташкилотни молиявий қўллаб-қувватлашни тўхтатиб қўйиш билан таҳдид қилган. Трамп ўз қарорини ЖССТ Вашингтон талаб қилган ислохотларни ўтказишдан бош тортгани билан тушунтирди. АҚШ ташкилотга мўлжалланган 450 миллион долларни энди бутун дунё бўйлаб соғлиқни сақлаш билан боғлиқ эҳтиёжларга йўналтиради. Аммо очлик остонасида қолаётган одамларни ким кутқаради?

Афсуски, коронавирүс пандемияси сабабли дунёда очликдан азият чекаётганлар бир миллиардга етиши мумкин, деб огоҳлантирмоқда Германиядаги хайрия ташкилоти. Хусусан, Африка мамлакатлари ва жанубий яримшардаги бошқа давлатларда «COVID-19»га қалинганлар сони ошмоқда, кўпчилик иш жойини йўқотди, иқтисодийёт кучли жабр кўрмоқда, маҳсулотлар нархи ошяпти, соғлиқни сақлаш тизимлари касалларга дош беролмаяпти, деб хабар беради Германиядаги «Welthungerhilfe» хайрия ташкилоти.

Қайд этилишича, коронавирүс қурғоқчилик, иқлим ўзгариши, қуролли низолар ва соғлиқни сақлаш тизимидagi муаммоларни янада чуқурлаштиради. Шу билан бирга, дунёда очликдан азият чекаётганлар яқин ойлар ичида кўпайиши мумкин. Ташкилот маълумотида кўра, ҳозир дунё бўйича 821,6 миллион киши очликдан азият чекмоқда, бу ер юзи аҳолисининг 11 фоизи дегани. 47 мамлакатда эса овқатланиш билан боғлиқ вазият жиддий, ўта жиддий ва инқирозли деб баҳоланмоқда.

Дунёдаги аҳолини кўриб турибмиз. Коронавирүс пандемиясининг кенг тарқалаётгани Ўзбекистонга ҳам бегона эмас. Иқтисодийётимиз оғир аҳолга тушиб қолишини истамасак, карантин чораларига бирдек риоя қилишимиз, безуда санжмаслигимиз, берилмаётган тавсияларга риоя қилишимиз шарт.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

«Қибрай – Тошкент – Зангиота» йўналишидаги 58 километрлик магистрал сув қувурини тортиш ишлари бошланди.

Ичимлик суви таъминоти яхшиланади

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ушбу сазй-ҳаракатлар 2019 йил март ойда учта туманга сув етказиб беришга мўлжалланган «Қодирия» сув иншооти қурилиши билан бошланган эди. Айни дамда бу ерда қурилиш қизгин давом этмоқда.

Осиё тараққиёт банкининг лойиҳаси асосида қурилаётган ушбу иншоотнинг 1-босқич 2-лоти бўйича ҳам ўтган пайшанба кунги иш бошланди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги масъуллари, халқ депутатлари Тошкент тумани Кенгаши депутатлари, Зангиота тумани ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари ва маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

Вилоятда ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш, йирик ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини амалга ошириш орқали минглаб хонадонлар фаровонлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Мутахассисларнинг қайд этишича, «Қибрай – Тошкент – Зангиота» магистрал сув қувурини қуриб битазишга бош буюртмачи «Тошсувтаъминот» МЧЖ ва бош пудратчи этиб Хитой давлатининг «Анхшвен констрүкшн» компанияси бириктирилди.

– Шартнома бўйича бу қурилишни йигирма ойда якунлашимиз керак эди. Лекин ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб ишни ўн беш ойда тугатишни мўлжаллаяпмиз, – дейди «Анхшвен констрүкшн» компанияси масъул раҳбари Шу Чен Ву ЎЗА мухбири Абдулазиз Мусаевга. – Сув қувурларининг сифати, чидамлилиги ҳам белгиланган талаб бўйича синовдан ўтказилди. Одатда сув қувуридаги энг катта босим 6 атмосфера бўлади. Демак, қувурларимиз ишончимизни оқлайди.

Сўнгги йилларда сувдан оқилона фойдаланиш, унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, сув истеъмолини ҳисобга олишнинг замонавий инновацион тизимларини жорий этиш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, соҳага хусусий секторни жалб қилиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Тошкент вилоятида амалга оширилаётган мазкур сазй-ҳаракатлар аҳолини қийнаётган муаммоларни тизимли равишда бартараф этишга хизмат қилади.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Лифтларнинг узлуксиз ишлаши ўзимизга ҳам боғлиқ

Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисининг лифтлардан фойдаланишга бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бироқ қурилганга кўп йиллар бўлган айрим кўп қаватли уйлардаги лифтлар таъмирталаб бўлиб қолгани туфайли ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Ҳатто айримлар бунга оддий ҳолат сифатида қарай бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 12 июндаги «2021-2027 йилларда республикадаги кўп қаватли уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу йўналишда кўпдан кутилган муҳим ҳужжат бўлди. Мазкур ҳужжатда республикадаги мавжуд лифтларни таъмирлаш ва янгилашга давлат бюджетидан маблағ ажратилиши белгиланган.

Маълумки, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида барпо этилган етти, тўққиз ва ундан юқори қаватли уйларнинг аксарияти ўтган асрнинг 70-90-йилларида барпо этилган. Уларга ўрнатилган лифт ускуналари эса, йиллар давомида яроқчилиқ муддатини ўтаб бўлган. Бунинг устига, лифтлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи корхонанинг ўзи йўқ. Кўп қаватли уйлардаги лифт ускуналари ҳам мулкдорларнинг умумий мулкки ҳисобланиб, уларга ихтисослашган давлат ёки ҳусусий ташкилотлар томонидан шартнома асосида хизматлар кўрсатилишмоқда.

Бироқ ҳозирги кунда лифт ускуналари бўйича мутахассислар етишмаслиги сабабли, шартнома тузган уй-жой мулкдорлари ёхуд ширкатларига ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатилмаяпти. Натижада юқори қаватда истиқомат қилувчилар устани ўзларни топишга тўғри келади. Бироқ таъмирланган лифт орадан кўп ўтмай яна бузилади. Хавфсизлик талабларига риоя қилинмагани туфайли гоҳида бахтсиз ҳолатлар ҳам содир бўлиб турибди.

Айни пайтда мамлакатимиз бўйича 2 минг 483 та кўп қаватли уйда 5 минг 922 та лифт ускунаси мавжуд бўлиб, уларнинг 85 фоизи Тошкент шаҳрида ўрнатилган. Бундан уч йил аввал пойтахтимиздаги 1000 та лифт ускунасини янгисига алмаштириш режаси тасдиқланган эди. Ҳозирга қадар 971 тасида шундай ишлар амалга оширилди. Шунга қарамай, 2019 йил ҳисобидан Уй жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг мурожаатлар билан ишлаш бўлимига лифт ускуналарини янгисига алмаштириш, уларни мукамал таъмирлашга муҳтожлик бўйича 300 дан ортиқ мурожаат келиб тушган.

– Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги кўп

квартирали уйлардаги 3 минг 162 та лифт ускунаси белгиланган 25 йиллик эксплуатация муддатини ўтаб бўлган, – дейди Уй жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Лазиз Ҳамидов. – Қўлган ҳудудлардаги 392 та лифт ускунасини капитал таъмирлаш ёки янгилаш талаб этилади. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2021-2027 йилларда кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш дастури тасдиқланди. Ана шу вақт мобайнида 2 минг 102 та кўп квартирали уйда 84 та лифтни таъмирлаш, 3 478 тасини янгисига алмаштириш мўлжалланган. Пойтахтда бу жараён 2027 йилгача давом этса, вилоятларда 2024 йилда ниҳоясига етказилади. Шунингдек, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишнинг назорат қилиш инспекцияси томонидан Лифтлар хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентга риоя қилиш устидан назорат амалга оширилади. Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси уларнинг халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган ва давлат экспертизасидан ўтказилган ҳолда ўрнатилишини назорат қилади, янги лифтларни давлат рўйхатида киритади.


Дастурнинг ўз вақтида бажарилишини мониторинг қилиш, кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг замонавий услубларини жорий қилиш фуқароларнинг қулай ва

хавфсиз яшашига шароит яратади. Шунингдек, фавкулда вазиятлар олди олинишини ва сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлайди. Эътиборлиси, лифт ускуналарининг техник ва авария ҳолатларини реал вақт режимда қайд этувчи замонавий рақамли электрон дастури ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этиш ҳам режалаштирилган.

Мақсад аниқ. Бироқ ижро механизми қандай ишлайди, деган савол туғилади. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузурида «Кўп хонадонли уйлар, иссиқлик таъминоти ва объектларни қуриш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК ва унинг ҳудудлардаги бўлимлари фаолияти йўлга қўйилган. Давлат ва маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар айнан шу компания буюртмачилиги асосида дастури амалга оширади. Коммунал соҳанинг бошқа хизматлари қатори лифтларни таъмирлаш ва янгисига алмаштириш бўйича ҳам лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда лифтларни таъмирлаш ёхуд ўрнатиш бўйича тендер ва танловлар ўтказилади. Унда ғолиб чиққан корхона лифт ускуналарини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларини бажаради.

Шундай тизимнинг мавжудлиги маъқул. Лекин кундалик хизмат кўрсатиш жараёнини билан бевосита ким шуғулланади? Айнан мана шундай тузилманинг яхши ишламаслиги туфайли йиллар давомида муаммолар ҳал этилмай тўпнали келяпти, улар устига янгилари қўшилипти?

– Бу масалани ҳам тизимли ҳал этиш чоралари қўриляпти, – дейди Лазиз Ҳамидов. – Вазирлигимиз ҳузурида ташкил этилган «Таъмирлаш-тиклаш» давлат унитар корхонаси негизида «Тез коммунал хизмат» сервислари фаолияти йўлга қўйилди. У ҳудди тиббий тез ёрдам хизматига ўхшаш тарзда ишлайди. Ҳозир бу борада вилоятларда туну кун фаолият кўрсатадиган диспетчерлик хизматлари 1184 қисқа рақами орқали фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам 1055 қисқа рақами ёхуд Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида «Тошкент лифт хизмати» давлат унитар корхонасининг 90-977-79-87 ёки 71-245-15-76 телефон рақамларига хонадон эгалари лифт ускуналари билан боғлиқ ҳар қандай масалада мурожаат қилиши мумкин. Айтиш жоиз, бу хизмат буюртма асосида пуллик бўлади ёки уй-жой ширкатлари билан шартнома тузиш асосида бажарилади. Қолаверса, лифт ускуналарининг техник ва авария ҳолатларини реал вақт режимда қайд этувчи замонавий рақамли электрон дастурининг ишлаб чиқилиши хизмат сифатини тубдан оширади.



Ўрта махсус таълим бўғинида лифтларга хизмат кўрсатувчи техник мутахассисларни ўқитиш ва уларга касбий билим олиши учун шароит яратиш орқали келажакда ушбу йўналишда кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлдиришга эришилади.

2021-2027 йилларда кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш дастуридан ўрин олган вазифаларни тўлиқ бажаришга етти йил вақт кетади. Ўз навбатида, бу вақт мобайнида ҳам юқори қаватли уйлардаги лифтларга хизмат кўрсатиш эҳтиёт қисмларини талаб қилади. Бу масала қандай ҳал этилади? Умуман олганда, эски ва янги қурилаётган уй-жойларга ўрнатиладиган лифтларни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарнинг имкониятлари қандай ёки бу қурилмалар ҳам импорт қилинади?

– Биз 2017 йили Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида лифт, эскалатор ишлаб чиқарувчи корхонани ишга туширдик, – дейди «Modern lift systems» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Комрон Уйғунов. – Талаб ва тақлифга қараб янги кўп қаватли уйларнинг қурилиши туфайли лифт қурилмаларига ҳам эҳтиёж ортиб борапти. Буюртмалар ҳам ошган. Қулай, шовқинсиз ва тезкор хизмат қилувчи электрон лифтлар тайёрлашни йил сайин такомиллаштириб боришимизга тўғри келяпти. Ўтган йили 1 минг 300 дан ортиқ лифт етказиб бердик. Буюртмаларга талабни ҳисобга олиб, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида ҳам шундай ускуналар йиғувчи цехни очдик. Ҳозир қулов-механика заводи барпо этиш лойиҳаси устида иш олиб борапмиз. Бу ерда тайёрланадиган лифтларнинг

90 фоизи маҳаллийлаштирилади ва хизмат кўрсатишга зарур бўладиган қарийб барча эҳтиёт қисмлар ҳам ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда мутахассислар томонидан Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги қўшма корхоналарда тайёрланаётган замонавий лифтларнинг техник параметрлари, сифат ва дизайн кўрсаткичлари ўрганилмоқда. Улар тақлиф этаётган маҳсулотлар замон талабига жавоб беради ва зарур бўлса, такомиллаштириб борилади. Эътиборли жиҳати, жами 3 минг 554 та лифт таъмирланиши ва янгиланиши керак. Ушбу мақсадларга эса 665 миллиард сўмдан ортиқ маблағ талаб этилади. Битта лифтни капитал таъмирлаш учун ўртача 50 миллион сўм сарфланса, янгисига алмаштириш 190 миллион сўмдан 220 миллион сўмгача туради. Бу жараёнда барча харажатлар давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Аҳолини қизиқтираётган масалалардан бири жорий йилда ҳам янги лифтлар ўрнатиш режалаштирилганидир. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги маълум қилишича, бу йил Тошкент шаҳрида кўп қаватли уйларда 156 та янги лифт фойдаланишга топширилади.

Шунинг учун кўп қаватли уйда яшайдиган аҳоли давлатимиз ёрдами кўламини тўғри баҳолаши, замонавий қимматбаҳо ускуналарни асраб-авайлаши, яхши сақлашишга эришиши керак. Яъни уларга ҳудди ўзининг шахсий мулкига қарагандай муносабат маданияти шакллантирилса, лифтларнинг хизмат умри узаяди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ТИББИЁТ

Коронавирус пандемияси бутун дунё учун катта синов бўлмоқда. Вужудга келган глобал инқироз барча мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатапти.

Ибрат намунаси



Касаллиқни даволаш, бартараф этишга маъсул бўлган тиббиёт соҳаси ходимлари ҳам бундай шароитда қандай йўл тутиш лозимлиги ҳақида жиддий бош қотираёттир. Аниқ, пухта режага биноан карантин қоидаларига тўла амал қилган жойлардагина фаолият бир маромда давом этмоқда. Бунини Самарқанд шаҳар марказий шифохонаси кўп тармоқли марказий поликлиника жамоаси мисолида кўриш мумкин.

Шифо масканига беморларни қабул қилиш, уларни даволаш қатъий тартиб-интизом асосида олиб борилмоқда. Дезинфекцион туннель доимий ишлаб турибди, антисептик воситалар етарлича жамлангани ўз самарасини бераёттир. Врачлар, ҳамшира ва ўрта тиббиёт ходимлари санитария, карантин қоидаларига риоя этиш билан бир қаторда, миқдорлардан тўғри маслаҳатларини аяшмаяпти.

Биз ярим миллиондан зиёд аҳолининг саломатлигига қафилмиз, – дейди поликлиника бош врач Дилфуза Камолова. – Ҳукуматимиз ташаббуси билан тиббиёт соҳасини ривожлантириш, унга ғамхўрлик туфайли муассасамизда одамларнинг беминнат ва тўлақонли тиббий хизматдан баҳраманд бўлишлари учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилган. Рентген, ЛФК, акушер-гинекология, травматология, клиник лаборатория бўлимлари, Самарқанд шаҳар репродуктив саломатлик маркази, виллоят сурдология маркази ҳам шу ерда фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари соғлиқни тиклаш мақсадида массаж, парафин қўйиш, жаррохлик, урология, асаб, кўз, қулоқ, томоқ, ва бурун касалликлари, эндокринология, мактаб ва МТТ бўлимлари, ЭКГ, УЗИ, стоматология хоналари беморлар ихтиёрида. Саломатлик посбонлари зиммаларидан жамланган чўқур аниқлаш ҳолда ўз вазифаларини шараф билан урдадаётганини фахр билан таъкидлашни истардим.

Дарҳақиқат, оқ халат соҳиблари, «Соғлом инсон ҳар ишга қодир» шioriга амал қилиб, сифатли ва самарали усуллардан фойдаланган ҳолда аҳоли соғлиги йўлида чинакам жонбозлик кўрсатишаёттир. Айни пайтда замонавий фан ва техника ютуқлари кенг қўлланилаётгани янги ютуқларга йўл очмоқда. Натижада даволашнинг илғор усуллари жорий этилиб, тиббий кўриқлар юқори савияда ўтказилаётир. Аҳоли орасидаги касалликлар эрта аниқланишти, ногиронлик ва ўлим ҳолатлари кескин камайитиляпти.

Шифокорларнинг ҳар бир инсон саломат бўлишини, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришни ўйлаб профилактика, тарғибот-ташвиқот юмушларига жиддий аҳамият қаратаётганлиги ҳам ижобий самара бераёттир.

Суратда: поликлиника ҳаётидан лавҳа.

Ҳамза ШУКУРОВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

2020 йил 3 июль куни Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, БМТТД дастури ва Глобал экология жамғармаси (ГЭФ)нинг ҳамкорликдаги «Ўзбекистонда энергия тежамкор қишлоқ уй-жойларини қуришни ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида қишлоқ жойларида тўрт қаватли кўп квартираларни қуришда энергия тежамкор технологияларни қўллаш бўйича амалий тренинг ўтказилди.

Унда Қашқадарё вилоятидаги қурилиш ташкилотлари ва «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясининг вакиллари қатнашди. Тренинг давомида энергия тежамкор қурилиш материаллари қўлланиладиган замонавий технологиялар намойиш этилди.

– Бу йил Китеб туманининг Янгиобод қишлоғи ҳудудида ҳар бирида 24 та квартира бўлган тўртта кўп қаватли уй барпо этилади. Жамоамиз шу уйлاردан бирининг пудратчиси ҳисобланади, – дейди «Қурбонмурод Ашуров» ижтисолашган таъмирлаш-қурилиш корхонаси иш юритувчиси Самад Баҳодиров. – Тренингда қатнашши биз учун ҳозирча янги бўлган технологиялар билан батафсил ва кўргазмали тани-

шиш имкониятини берди. Бу маҳаллий қурувчиларга ўз объектиларида энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланганда хатоларга йўл қўймасликка ва бажариладиган ишлар сифатини оширишга ёрдам беришига ишончим комил.

«Ўзбекистонда энергия тежамкор қишлоқ уй-жойларини қуришни ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси энергия тежамкор уйлари қуриш билан шуғулланган қурилиш компанияларининг фаолиятини экспертлар томонидан тўпланган тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалий тренингларни ўтказиш йўли билан бойитиш ва такомиллаштиришга интилади. Лойиҳанинг мақсади ҳам Ўзбекистон қишлоқларида истиқомат қилувчи аҳо-

лини яхшилаш, арзон ва экологик тоза турмуш шароитлари билан таъминлашдан иборат.

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясининг Қашқадарё вилояти филиали бўлими бошлиғи Жонибек Асқаровнинг сўзларига кўра, 2020 йилда Қашқадарё вилояти қишлоқларида умумий сигими бир мингта квартирани ташкил қилувчи 45 та кўп қаватли уйлари қуриш режалаштирилган бўлиб, уларнинг ҳар бирининг лойиҳаси-

МАЪЛУМОТ УЧУН: БМТТД инжиниринг қарши туришга қодир бўлган мамлакатларни яратишга кўмаклашиш ҳамда барча учун ҳаёт сифатини яхшилайдиган ўсишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун ҳамма ижтимоий қатламларга мансуб одамлар билан ҳамкорлик қилади. Биз 177 та мамлакат ва ҳудудда одамларнинг имкониятларини кенгайтиришга ёрдам бериш ва барқарор мамлакатларни қуриш учун глобал истиқболни ва маҳаллий даражадаги англашувни таклиф этамиз. uz.undp.org.

Ўз мухбиримиз.

Ўқув-семинар бўлиб ўтди

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан республикамиз темир йўлларида меҳнат қилаётган темир йўл масофаси раҳбарлари ва мутахассисларининг билим ҳамда тажрибасини ошириш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва ҳар бир ишини таҳлил қилишга катта эътибор қаратилади. Тошкент темир йўл масофаси (ПЧ-2) да бўлиб ўтган ўқув-семинар ҳам айни шу мақсадда ташкил этилди.



«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг йўл ҳўжалиги бошқармаси тасарруфидagi корхоналар раҳбар ва мутахассислари иштирокидаги тадбирда тизимдаги корхоналарда фаолият юритаётган бош муҳандис ва мутахассисларнинг билим ва кўникмасини синовдан ўтказиш бўлиб ўтган мўҳим ва зифалардан бири экани таъкидланди. Иштирокчилар Тошкент темир йўл масофасида ташкил этилган йўл полигонига йўлсозларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Бу ерда йўлсозларга ўз билимининг амалий жиҳатдан оширишлари мақсадида жорий этилган поезд ва метро йўналишининг рельсларини, қия бурилишлар, рельсларнинг туташув қисми,

белгиланган техник жиҳатдан таъмирлаш учун ташкил этилган хизматлар тури намойиш этилди. Юртимизнинг турли ҳудудларидан келган темир йўл корхоналари раҳбар-ҳодимлари олдида турган муаммолар, улар фаолиятида учраётган камчиликлар, ўз ечимини кутаётган масалалар ва уларни бартараф этиш борасида фикр алмашилди.

– Темир йўл масофаларининг фаолиятига таҳлилий-танқидий таъбир берган ҳолда темир йўлларда таъмирлаш ишларини бажаришда нафақат ёшлар ишида, балки кўп йиллик тажрибага эга йўлсозлар, муҳандислар фаолиятида ҳам хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда, – дейди «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси в.б. Ҳусниддин Ҳосилов. – Бунинг учун

ҳар бир ходим ўз устида тинимсиз ишлаши, билим ва тажрибасини доимий равишда ошириши лозим. Айниқса, соҳага кириб келаётган ёшларни етук мутахассис сифатида тарбиялаш жараёнида кўп йиллик меҳнат фаолиятига эга йўлсозларнинг маҳорати, билим ва тажрибасидан фойдаланиш зарур.

Семинарда Андижон ҳамда Ховос темир йўл масофалари тасарруфидagi линиялар техник жиҳатдан яна бир бор таҳлил қилиниб, таъмирланган пулат излар мутахассислар томонидан чизмалар асосида кўрсатиб берилди. Мутахассислар томонидан рельсларни таъмирлаш ва алмаштиришда техник жиҳатларга эътибор қаратиш айниқса, ҳароратнинг исб ҳақида совиб кетишидан келиб чиққан ҳолда

кенгайиб ва торайиб кетиши эътиборга олиниши лозимлиги айтиб ўтилди. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсизлик кўни каби ўқув-семинарларини мунтазам ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон темир йўлларида олиб борилган ишлар, таъмирланган темир йўл участкалари, тизим корхоналари томонидан бажарилган ишлари ҳақидаги батафсил маълумотлар иштирокчиларнинг диққат марказида бўлди. Таъкидланганидек, мамлакатимиз темир йўл тизимининг йўл ҳўжалиги тарихида илк бор рақамлаштириш жараёни ташкил қилиниб, йўлларнинг электрон хабароти жорий этилди.

– Ўшбу янгилик темир йўлла-

римизда ҳаракат хавфсизлигини янада ишончли таъминлаш, таъмирланган йўлларнинг сифатини аниқлаш, назорат қилиш ҳамда корхоналарда қилинган йиллик иш ҳисоботини электрон тизимга ўтказиш имконини беради, – дейди йўл ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Уматов. – Шунингдек, бу тизим линияларнинг барча ҳудудларини назорат қилиш, кузатиш ва ахборот алмашиш учун қулайлиги билан аҳамиятлидир. Қолаверса, темир йўл масофалари тасарруфидagi йўлларнинг аниқ узунлиги, ҳудуди, нечанчи йилда қурилгани, қачон таъмирлангани, рельс ва шпалларнинг техник ҳолати бўйича батафсил маълумот олиш мумкин бўлади.

Ўқув-семинарда ўшбу электрон хабароти борасида қўшимча таклифлар берилди. Хабаротни амалиётга жорий этиш ва темир йўл масофалари ҳодимларига ундан фойдаланиш борасида кўмак бериш зарурлиги айтиб ўтилди. Семинар якунида темир йўлларни таъмирлаш жараёнида ишни қандай ташкил этиш, техникалар тури ва улардан фойдаланиш тартиблари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз.

«Respublika mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «COSCOM» МЧЖга тегишли Тошкент шаҳар Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй манзилида сақланаётган қуйидаги техник ҳолати соз автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. 2008 йилда ишлаб чиқарилган «Hyundai Tucson» русумли, давлат рақами 01 038 ZFA бўлган автомашина. Бошланғич баҳоси – 72 382 632,75 сўм.

2. 2010 йилда ишлаб чиқарилган «Chevrolet niva» русумли, давлат рақами 01 982 VFA бўлган автомашина. Бошланғич баҳоси – 42 674 359,14 сўм.

Аукцион савдоси эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳафтанинг ҳар чоршанба кунлари 2020 йилнинг 31 декабрига қадар соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказишчи белгиланган кундан бир кун олдин, соат 18:00 да тўхтади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «RMM» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 2005 7145 2001 ХАТБ «Давр банк» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

Тел.: (71) 237-23-86.

001805 рақамли гувоҳнома.

«Respublika mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Автосаноат Инвест» МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Ғалаба кўчаси манзилида жойлашган «Bekobod Avtosavdo» МЧЖнинг устав фондидagi 51 фойз улуши такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 3 млрд сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 17 июль куни, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2020 йил 15 июль куни, соат 18.00 гача.

Юқоридаги улуш 2020 йил 17 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 24, 31 июль кунлари, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказишчи белгиланган кундан бир кун олдин, соат 18.00 да тўхтади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 календарь куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «RMM» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 2005 7145 2001 ХАТБ «Давр банк» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

Телефон: 71-237-23-86.

001805 рақамли гувоҳнома.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тумани Қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежи томонидан 1999 йилда Маткаримов Азатжан Ибодуллоевич номига берилган Б-68 № 396977 серия рақамли диплом (рўйхатга олиш рақами - 7980) йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Kim oshdi savdo servis» МЧЖ

нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 11 август куни бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига «Туризм ўқув-консалтинг маркази» ДУКнинг 2020 йил 30 июндаги 2-сонли, Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш институтининг 2020 йил 25 июндаги И-113-сонли хатларига асосан Хива шаҳар Н. Кубро кўчаси, 25-уйда сақланаётган «Туризм ўқув-консалтинг маркази» ДУКга қарашли бўлган қуйидаги асосий воситалар қўйилмоқда:

1. Стол 20 дона, бошланғич баҳоси – 3 283 175 сўм.
2. Раҳбарлар учун мўлжалланган стол 1 дона, бошланғич баҳоси – 3 283 175 сўм.
3. Стул 20 дона, бошланғич баҳоси – 1 850 4х00 сўм.
4. Офис учун мўлжалланган шкаф 1 дона, бошланғич баҳоси – 1 876 100 сўм.

Ўшбу мол-мулклар 2020 йил 11 августдаги очик аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 31 август кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этишни истоганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатла-

рида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жиҳсоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ўшбу савдода қатнашиш истагига бўлган харидорлар закатал шартномасини тузиб, «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 10 (ўн) фойз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинад.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин, соат 16.00 да тўхтади.

Тўлов учун реквизитлар: ҳисоб рақами 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ «Ипотека-банк» Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

Телефон: 91-421-00-88. Веб-сайт: www.koss.uz

4621 рақамли гувоҳнома.

ТУЗАТИШ

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 26 июндаги 49 (398)-сонидagi «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ томонидан чоп этилган эълондаги «Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш ҳамда

кўчмас мулкнинг сотув қийматидан 15 фойз миқдорида ҚҚС тўлаш мажбурияти юклатилади» жумласи қуйидаги тахрирда ўқилсин: «Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади».

УВЕДОМЛЕНИЕ

В объявлении, опубликованном в газете «O'zbekiston bunyodkori» – «Строитель Узбекистана» № 48 (397) от 23.06.2020 года, дату проведения аукционных торгов вместо 08.07.2020 года, читать 24.07.2020 года, повторные аукционные торги будут проводиться каждую пятницу в указанное время.

Реквизиты: ООО «PRIME REALTY» – p/c: 2020 8000 7007 6599 0001 АКБ «InFinBank» МФО 01041 ИНН 304 844 964.

Телефон: 99 858-01-12.

E-mail: info@primerealty.uz.

Номер лицензии RR 0285.

